O’ZBEKISTON RESPUBLIKASI
QORAQALPOG`ISTON
RESPUBLIKASI TO’RTKO‘L
TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

O’ZBEKISTAN RESPUBLIKASI
QARAQALPAQSTAN
RESPUBLIKASITO’RTKUL
RAYONI HA`KIMININ’
S H E’ S H I M I

231200. Qoraqalpog’iston Respublikasi. To’rtko‘l tumani. To’rtko’l ko’chasi 53-uy
Tel: 532-20-75, 532-20-47, 532-20-37. Faks: 532-30-40

“ 5 ” март 2018 йил №414 Тўрткўл тумани

Тўрткўл тумани ҳудудидаги барча хўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларини ва тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003йил 31январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 йил 1-2-сон)га мувофиқ,Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрдаги 913-XII-сонли “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6-моддасига асосан

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Туман ҳудудидаги барча хўжалик юритувчи субъектларга ва фуқароларга тегишли бўлган автомототранспорт воситалари ва тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ, тумандаги корхоналар, ташкилотлар ва фуқаролар ҳисобидаги транспорт воситаларини ва тиркамаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хафсизлиги бошқармаси билан Тўрткўл тумани “АТК-115” МЧЖ ўртасида шартнома тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003йил 31январдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 1-бўлим 5-бандининг “а” кичик бандидаги транспорт воситаларининг техник кўриги:

а) биринчибосқичда 2018йилнинг 1мартдан 30июнгача;

б) иккинчибосқичда 2018йилнинг 1сентябрдан 31октябргача;

в) юридикшахсларгақарашлибўлган транспорт воситаларининг техник кўриги2018йилнинг 1мартдан 30июнгача;

г) жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг технйк кўриги 2018йилнинг 1январдан 31августгача ўтказилиши белгилансин.

4. Тумандаги барча корхона, ташкилотлар ва муассасаларнинг раҳбарлари хизматидаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан сифатли ўтказишга тайёрлаш чораларини кўрсин.

5. Тумандаги барча корхона, ташкилот ва муассасалар ҳамда хусусий транспорт воситалари бўлган фуқаролар ўз транспорт воситаларини белгиланган муддатларда мажбурий техник кўрикдан ўтказишга техник томонидан соз ва яроқли аҳволда олиб келишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари У.Матназаров ва туман Ички ишлар бўлими бошлиғи А.Ильясов зиммаларига юклатилсин.

7. Ушбу қарор “Тўрткўлнома” газетасида расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтида ёритилсин.

Тўрткўл тумани ҳокими: **Н.Худайбергенов**

Тўрткўл тумани ҳокимининг
2018 йил “ 05 ” 03
№ 119-сонли қарорига
1-илова

Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича туман комиссиясининг
Т А Р К И Б И

1. Избасаров Б. - туман Ички ишлар бўлимининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси бошлиғи, комиссия раиси

АЪЗОЛАРИ:

2. Гулдурсинбаев М. - Тўрткўл транспорт бошқармаси бошлиғи

3. Ёрматов Ш. - туман мудофаа ишлари бўлими бошлиғи ўринбосари

4. Нуриев Х. - “Ватанпарвар” ташкилоти ўқув спорт техника клуби бошлиғи

5. Атажанов Р. - 115-Тўрткўл автокорхонаси МЧЖ раҳбари

6. Ходжаниязов Х. - Нафақадаги техника мухандиси

Тўрткўл тумани Хокимининг
2018 йил “ 05 ” 03
№ 414-сонли қарорига
2-илова

Тумандаги барча ташкилот, корхона, муассасаларнинг давлат томонидан мажбурий техник кўрикдан ўтказиш
Ж А Д В А Л И

№	Автохўжаликлар номи	Техник кўрикдан ўтказиш вақти
1	Чумага қарши курашиш бўлими	05.03.2018 йил
2	Ветеринария бўлими	07.03.2018 йил
3	Давлат санитария ва эпидемиология назорати бўлими	09.03.2018 йил
4	Қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи	12.03.2018 йил
5	Тўрткўл индустриал-педагогика касб-ҳунар коллежи	26.03.2018 йил
6	Банк коллежи	27.03.2018 йил
7	Шўрахон саноат транспорт касб-ҳунар коллежи	29.03.2018 йил
8	Ободонлаштириш бошқармаси	02.04.2018 йил
9	Тўрткўл тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими	09.04.2018 йил
10	Ватанпарвар ташкилоти	10.04.2018 йил